



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

Қличев Бахтиёр Пардаевич,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси
E-mail: klichev.baxtiyor@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6938-7897
Тошкент, Ўзбекистон

ANALYSIS OF INDICATORS THE VOLUME OF PRODUCTION IN THE OPERATING ACTIVITIES OF ECONOMIC ENTITIES

Klichev Bakhtiyor Pardayevich,
Tashkent state university of economics,
E-mail: klichev.baxtiyor@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6938-7897
Tashkent, Uzbekistan

JEL Classification: M1, M4, M49

Аннотация. Мазкур мақола муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар мазмуни ва уларнинг ўзаро нисбатлари бўйича таҳлилий ишларнинг амалга ошириши масалаларини қамраб олган. Таклиф этилаётган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи максимал ҳажм, минимал ҳажм ва оптимал ҳажм кўрсаткичларининг ҳисоблаш тартиби, уларнинг моҳияти ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг ўзаро нисбатлари орқали аниқланадиган кўрсаткичларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритиб берилган. Амалга оширилган ҳисоб-китобларда нисбий кўрсаткичлар, маълумотларни гуруҳлаш, мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилган, ҳисоб-китоблар амалга оширилган ҳамда таҳлилий ечимлар берилган.

Abstract. This article covers the issues of implementation of analytical work on the contents of the indicators representing the volume of production developed by the author and their interrelationships. The method of calculation of the maximum volume, minimum volume and optimal volume indicators

representing the production volume of the proposed product, their essence and the theoretical and practical aspects of the indicators determined by the mutual ratios of these indicators are explained. Here were given in the performed calculations, relative indicators, data grouping, logical analysis methods were used, calculations were performed, and analytical solutions.

Калит сўзлар. Оптимал ҳажм, минимал ҳажм, максимал ҳажм, ҳажмларнинг ўзаро нисбатлари, CVP-таҳлил.

Key words: Optimal volume, minimum volume, maximum volume, actual volume, mutual ratios of volumes.

Кириш. 2019-2021 йилларда COVID-19 туфайли юзага келган пандемия таъсирида дунё мамлакатлари иқтисодиётининг ўсиш суръатлари динамикаси беқарор тус олган бўлса-да, олиб борилган самарали ислохотлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда 2022 йил якунларига кўра ялпи ички маҳсулот – 5,7 фоиз, sanoat маҳсулотлари – 5,2 фоиз, қурилиш

ишлари – 6,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 3,6 фоизга, бозор хизматлари – 15,9 фоиз, экспорт – 23,6 фоиз, чакана савдо айланмаси – 12,3 фоиз ўсиш суръатлари таъминланди.

Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 2 255 АҚШ долларни ташкил этди. 2022 йилда Давлат бюджети даромадлари 202 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 37,2 трлн сўмга ёки 22,6 фоизга ошди. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи 29,2 млрд АҚШ доллари ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 36,4 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий интеграция жараёнлари тезлашган даврда ҳар бир давлатдаги корхоналар ўз фаолиятларида экспорт ва импорт операциялари орқали харажатларни оптималлаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишлари мумкин. Жаҳон миқёсида ишончли бизнес ҳамкорларга эга бўлиш учун ҳар бир корхоналар барқарор ижобий молиявий ҳолатни таъминлаш, асосий даромад келтирувчи операцион фаолият самарадорлиги бўйича мунтазам таҳлилий ишларни амалга ошириб бориши зарур [1].

Муаллифлар М.Тулаев ва Б.Қличевлар фикрича, хўжалик юритувчи субъектларнинг **операцион фаолияти таҳлили** – хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятнинг умумий таснифи бўйича белгиланган асосий фаолиятида бизнесни ташкил этиш ва олиб боришда иқтисодий ресурслар билан етарли таъминланиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали харажатлар-ҳажм-фойда ўртасидаги оптимал мутаносибликни таъминлашда амалга ошириладиган таҳлилий ишлар мажмуи ҳисобланади [10].

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида 2022 йил

24 январь санасида Президентнинг “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-99-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилга мўлжалланган “Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтириш Дастури” тасдиқланди. Мазкур дастур бўйича амалга ошириладиган ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилиши белгиланган:

- маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг прогноз параметрлари;

- янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш йиғма кўрсаткичлари;

- иқтисодиёт тармоқлари томонидан янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхати;

- ҳудудий корхоналар томонидан янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхати ва бошқалар.

Фикримизча [8], маҳсулот ишлаб чиқариш прогноз параметрлари ва янги маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари барча корхоналарда харажатларни оптималлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми билан узвийликда тахминий ҳисоб-китоблар асосида қабул қилинади. Бунда тахминий ҳисоб-китоблар ўтган даврдаги маълумотлар ва тажрибага асосланади. Корхоналарда ўтказиладиган иқтисодий таҳлил аниқ маълумотлар ўрнини боса олмасда, у турли бошқарув қарорлари ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги саволларга жавоб топишда жуда фойдали. Корхоналар операцион фаолияти таҳлилининг биз юқорида айтиб ўтган модели “Харажат-

ҳажм-фойда" (CVP-таҳлил) таҳлили деб аталади [2]. CVP таҳлили, биринчи навбатда, опреацион фаолиятнинг корхонанинг молиявий натижаларига таъсирини баҳолашга қаратилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига асосий эътибор беришимизнинг сабаби шундаки, маҳсулот реализация қилинаётган вақтда, материаллар ва меҳнат харажатлари одатда маълум даражада аниқлик билан маълум бўлсада, маҳсулот баҳоси ўзгарувчан бўлади [3]. Шу билан бирга, компания зарар кўрмайдиган ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини белгилаши ҳам муҳим. Мазкур мақоланинг тадқиқот йўналиши ҳамда 2022 йил 24 январь санасидаги ПҚ-99-сон қарори мазмунидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг мазмуни, заруриятини ёритиб беришда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Ваҳобов, А.Иброҳимов, Н.Ишонқулов, М.Раҳимов, Б.Исроилов, М.Пардаев, Ж.Исроилов, Б.Хасанов, А.Шоалимов, Ш.Илҳомов ва Ш. Таджибаевларнинг тадқиқотларида ҳам ёритилган. Жумладан, А.Ваҳобов ва бошқалар (А.Ваҳобов ва бошқалар, 2013) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ўрганишда қуйидаги умумлаштирувчи кўрсаткичлардан фойдаланишган:

- Ялпи маҳсулот;
- Товар маҳсулоти;
- Сотилган маҳсулот.

Бундай ёндашув муаллифлар М.Пардаев Б.Исроилов ва Ж.Исроиловларнинг (М.Пардаев ва бошқалар, 2017) тадқиқотларида ҳам, муаллифлар М.Раҳимов ва Н.Қаландаровлар (М.Раҳимов,

Н.Қаландарова, 2019) тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган.

А.Шоалимов ва бошқалар (А.Шоалимов ва бошқалар, 2016) маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми таҳлилида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ялпи маҳсулот, товар маҳсулот ва сотилган маҳсулот кўрсаткичлари асосида ифодалашни илгари суришади.

Бизнинг фикримизча, гап айнан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳақида кетар экан, юқоридаги муаллифлар келтириб ўтган умумлаштирувчи кўрсаткичларга қўшимча сифатида фақат ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш зарурияти юзага чиқади. Масалан, ялпи маҳсулот таркибига нафақат ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, балки ярим тайёр маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳам киришини инобатга олсак, табиийки ушбу кўрсаткич маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ифодалайдиган соф кўрсаткич ҳисобланмайди. Товар маҳсулот кўрсаткичи ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг фақатгина сотишга тайёр қисмини ифода этганлиги учун ушбу кўрсаткични ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини тўлиқ ифода қиладиган кўрсаткичлар қаторига киритиб бўлмайди. Сотилган маҳсулот кўрсаткичи ўз номидан маълумки, ишлаб чиқариш ҳажмини ифода этмайди.

Олиб борган тадқиқотларимизда компанияларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа муҳим самарадорлик кўрсаткичларининг шаклланиши, уларнинг ижобий интервалларда динамик ўсишига эришиши мазкур компанияларда фаолият олиб бораётган ишчи ва ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлигига узвий боғлиқлиги ҳам кўрсатиб берилган [6]. Ишчиларнинг меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши компанияларнинг муҳим

самарадорлик кўрсаткичлари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошишига ижобий таъсир этадиган асосий омиллардан ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Сир эмаски, юртимизда қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатаётган иқтисодий субъектларда фаолият кенгайиши, ижобий молиявий натижаларга эришиш, ёки мухтасар қилиб айтганда, мураккаб рақобат шароитида "яшаб қолиши" маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Республикамизда тасдиқланган 2022 йилга мўлжалланган "Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини кенгайтириш Дастури" да белгиланган амалга ошириладиган ишлар йўналишларига эътибор берсак, асосий урғу ишлаб чиқаришда мавжуд қувватлардан фойдаланиш ва уни кенгайтириш лойиҳаларига қаратилганини кузатишимиз мумкин. Корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш лойиҳаларини ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида ўтган йиллардаги қувватлардан фойдаланиш даражаларини, фойдаланилмаган имкониятлар кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш зарур. Айнан шу босқичда биз таклиф этаётган кўрсаткичлар тизими ва уларнинг бир-бирига нисбати орқали олиниши мумкин бўлган таҳлилий натижаларнинг муҳим ва зарурлиги юзага чиқади.

Олиб борган таҳлилий изланишларимиз натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг операцион фаолияти таҳлил қилинганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қуйидаги 3 та шаклини кўриб чиқишни тавсия қилиш мумкин:

1. Минимал (критик) ҳажм. ($V_{\min.}$)
2. Оптимал ҳажм. ($V_{\text{opt.}}$)

3. Максимал ҳажм. ($V_{\max.}$)

Минимал ҳажм. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг минимал ҳажми деганда зарарсизлик нуқтасидаги маҳсулот ҳажми тушунилади. Зарарсизлик нуқтасидаги ҳажм иқтисодий адабиётларда критик маҳсулот ҳажми деб ҳам қўлланилади ва ушбу ҳажмдаги маҳсулотни сотишдан корхона фойда ҳам зарар ҳам кўрмайди. Барчамизга маълумки, фойда олишнинг биринчи шarti бу зарар кўрмаслик чегарасини белгилаб олиш ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам корхоналарда ушбу ҳажм минимал ҳажм деб ҳисобланади ва мана шу ҳажмдан ортиқча ишлаб чиқарилган ҳар бир бирлик маҳсулот корхонага маълум миқдорда фойда келтиради.

Классик ёндашувда ишлаб чиқаришнинг минимал (критик) ҳажмини аниқлаш икки хил усулда аниқланади:

- график усул;
- математик усул.

График усулда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг минимал ҳажми зарарсизлик нуқтасини топиш ва мазкур нуқтадаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш орқали амалга оширилади (1-чизма). Келтирилган чизмада зарарсизлик нуқтасидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига мос келувчи тушум **остонавий тушум** дейилади. Чизмадан кўриниб турибдики, корхоналар минимал ҳажмдан кўп маҳсулот ишлаб чиқариб, сотишга эришса фойдага, аксинча ҳолатда эса, зарарга эришади.

Математик усулда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг минимал ҳажмини аниқлашда турли формулалар ва ҳисоб-китоблар орқали амалга оширилади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажмини аниқлашда жуда кўп қўлланиладиган қуйидаги формулани мисол қилиб келтириш мумкин:

$$V_{min.} = FC / (P - VC)$$


Бу ерда:

$V_{min.}$ – Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг минимал ҳажми;

FC – (Fixed Cost) доимий харажатлар;

P – Маҳсулот бирлигининг баҳоси

VC – (Variable Cost per unit) Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар



1-Чизма. График усулда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг минимал ҳажмини аниқлаш.

Оптимал ҳажм. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажми корхонанинг ҳар бир йил учун белгилаб олинган ишлаб чиқариш дастури ёки бизнес режада кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳисобланади. Корхоналар ҳар бир келаётган янги йил учун бизнес-режа тузганида маҳсулотларни сотиш имкониятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаши муҳим ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳаммининг ҳам қўлидан келиши мумкин, лекин унинг реализацияси хўжалик фаолиятининг алоҳида таҳлилий ишлар талаб қиладиган объекти ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарга фақатгина сотилиши кафолатланган ёки сотилиши мумкин бўлган ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш тавсия этилади ва бу ҳажм оптимал ҳажм дейилади. Оптимал ҳажмнинг тўғри белгилаш нима учун зарур? Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми бўйича амалга ошириладиган таҳлилий ишларда асосий муаммо тайёр маҳсулотлар қолдиғининг ошиб боришига йўл

қўймаслик ҳисобланади. Замонавий бизнес тилида “тўйинган омбор” дейиладиган ушбу ҳолатда омбордаги қолдиқлар, тайёр маҳсулот қолдиғини эмас, балки, энг аввало, уларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган пул маблағлари айланишининг секинлашишини ёки, умуман тўхтаб қолишини ҳам англатади. Бундан ташқари, дастлабки ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар маънавий эскириб, аҳамиятини йўқотиши ҳамда бунинг натижасида тайёр маҳсулотларни сотиш яна ҳам қийинлашиши мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми бўйича таҳлилий ишларда оператив структуравий ўзгаришларни амалга ошириб, талаб ошиб кетган маҳсулотларни (хизматлар) ишлаб чиқариш ва тез фурсатда бозорга етказиб бериш ва шу орқали нархлар ва тайёр маҳсулотлар қолдиғи ошиб кетмаслигини таъминлаш мумкин [9]. Лекин йирик ишлаб чиқариш субъектларида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш,

маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришларни амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланади.

Шунинг учун йирик ишлаб чиқариш субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги узвийликни таъминлаш, бўлимлар, ишлаб чиқариш цехлари ва марказлари ўртасидаги тезкор, ишончли ахборот алмашинувини ташкил этиш, жамоавий назорат, илмий ва амалий асосланган самарали бошқарув қарорлари орқали тайёр маҳсулотлар қолдиғини камайтиришга эришиш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмини аниқлашни бир неча йўналишларини тавсия қилишимиз мумкин.

1. Региондаги жами талаб ва жами таклиф кўрсаткичлари, импорт ва экспорт кўрсаткичларини ўрганиб чиққан ҳолда.

2. Маҳсулот сотиш учун тузилган шартномалар, рақобатчи корхоналар

имкониятлари ва ички зарурий эҳтиёжлар тўғрисидаги маълумотлар асосида.

3. Ўртача 5 йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш ҳажми ва тайёр маҳсулотлар қолдиқларини ўрганган ҳолда.

Ишлаб чиқаришга жалб қилинган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга эришиш ва маблағлар айланишини тезлаштиришда юқорида санаб ўтилган барча йўналишлардан таҳлилий ишларни амалга ошириш орқали тайёр маҳсулот қолдиғини максимал камайтиришга қаратилган ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш бу борада олиб бораётган тадқиқотларимизнинг асосини ташкил этади.

1-жавдал бўйича тадқиқот объекти сифатида белгиланган "Оҳангаронцемент" АЖ да 2017-2022 йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича маълумотларни кўришимиз мумкин.

1-жадвал

2017-2022 йилларда "Оҳангаронцемент" АЖ да маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми таҳлили

Т/р	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
			2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Клинкер	тн.	1374517	1253126	1366475	1199725,0	1960360	1980256,7
2.	Цемент	тн.	1875000	1623970	1885669	1612648,0	2015948	1998944
3.	Гишт	тн.	1287,484	1159,869	954,0	1026,792	180,180	234,7
4.	Бетон	м ³	38985	28970,5	16770,4	7091,15	5002,8	8154,7
	Жами		3289789,5	2907226,4	3269868,4	2820490,937	3981490,988	3987590,1

1-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2017-2020 йилларда "Оҳангаронцемент" АЖ да ишлаб чиқаришда нисбатан нобарқарорлик кузатилган. Жумладан, 2018-йилда 2017-йилга нисбатан камроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2019-йилда 2017-йилга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. 2020-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2019-йилга нисбатан кескин пасайишини COVID-19 пандемияси билан боғлаш мумкин. "Оҳангаронцемент"

АЖ да 2021-2022 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориш тенденциясига эришган бўлса-да, маҳсулот ассортименти бўйича қарайдиган бўлсак, энг асосий маҳсулот тури ҳисобланган цемент бўйича 2022-йилда 2021-йилга нисбатан кам маҳсулот ишлаб чиқарилганини кўришимиз мумкин.

Корхоналарда ижобий молиявий натижаларга эришиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан бир қаторда маҳсулот сотиш ҳажмига ҳам узвий боғлиқ

ҳисобланади. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолият самарадорлигини баҳолашда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми билан биргаликда, албатта, маҳсулот сотиш бўйича маълумотларни ҳам умумлаштириш лозим (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан хулоса қилишимиз мумкинки, "Оҳангаронцемент"

АЖ да 2017-2022 йиллардаги маҳсулот сотиш ҳажми бўйича, ишлаб чиқариш ҳажмига мос равишда сотиш ҳажми ҳам нобарқарор бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, COVID-19 пандемияси "Оҳангаронцемент" АЖ да нафақат ишлаб чиқариш ҳажми, балки, маҳсулот сотиш бўйича ҳам салбий таъсир кўрсатганлигини кўрамиз.


2-жадвал

2017-2022 йилларда "Оҳангаронцемент" АЖ да маҳсулот турлари бўйича сотиш ҳажми таҳлили

Т/р	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар					
			2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Клинкер	тн.	1289245	1174568	1246758	1074580	1847258	1866357
2.	Цемент	тн.	1767451	1541265	1716548	1479652	1858745	1784569
3.	Ғишт	тн.	1198,2	1146,4	932,4	987,6	147,2	178,7
4.	Бетон	м ³	36471,4	24548,1	14788,2	6111,2	4879,1	7245,1
	Жами		3094365,6	2741527,5	2979026,6	2561330,8	3511029,3	3658349,8

Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўртасидаги фарқ корхоналарда тайёр маҳсулотнинг қолдиғини шакллантиради. 2-чизмада 2017-2022 йилларда "Оҳангаронцемент" АЖ да цемент бўйича ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўзгаришини кўришимиз мумкин.

2-чизмадан кўришиб турибдики, йиллар кесимида цемент бўйича қолдиқ нотекис ўзгаришга эга бўлган. 2017 ва 2018-йилларда тайёр маҳсулот қолдиғи нисбатан камроқ, 2019-йил ва 2022-йилларда эса кўпроқ бўлган.



2-чизма. "Оҳангаронцемент" АЖ да 2017-2022 йилларда цемент маҳсулоти бўйича ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ўзгариши таҳлили

“Оҳангаронцемент” АЖ да 2017-2022 йилларда бундай миқдорда тайёр маҳсулот қолдигининг шаклланиши уларнинг таннари таркибидаги корхона пул маблағлари айланишининг секинлашишини ёки, умуман тўхтаб қолишини ҳам англатади. Бундан ташқари, тайёр маҳсулотларнинг туриб қолиши маҳсулотнинг техник ва сифат параметрлари бўйича эскириб, аҳамиятини йўқотишига олиб келиши натижасида мазкур маҳсулотларни сотишда қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оптимал ҳажмини маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ўртасидаги энг кам фарқдан келиб чиқиб белгилашни таклиф этамиз.

3. Максимал ҳажм. Корхонанинг барча қувватлар ва ресурсларни тўлиқ эксплуатация қилиш натижасида ишлаб чиқариши мумкин бўлган ҳажм максимал ҳажм дейилади. Максимал ҳажмни тўғри аниқлаш корхоналар учун муҳим ҳисобланади, чунки максимал ҳажм даражаси ва унинг бошқа ишлаб чиқариш ҳажмларига нисбати орқали корхона фаолияти натижавийлигини ёки унинг салоҳиятини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг максимал ҳажмини тўғри аниқлаш келгусида корхона миқёсида ёки давлат миқёсидаги қабул қилинадиган бошқарув қарорларига ҳам таъсир қилиши мумкин. Масалан, COVID-19 пандемияси даврида деярли барча давлатлар жорий қилинган карантин вақтида ўз аҳолиси эҳтиёжини етарли таъминлаш мақсадида тиббий ниқоблар экспортига чеклов ёки таъқиқлар қўйишди. Табиийки, бундай шароитда барча давлатлар мавжуд захира ва маҳаллий ишлаб чиқариш қувватлари билан аҳолининг тиббий ниқобларга бўлган талабини қоплаш имкониятларини

ўрганиб чиқишди. Ўзбекистонда ҳам тиббий ниқоблар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг суткалик максимал ишлаб чиқариш имкониятлари ўрганилган ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинган. Бошқа давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам фаолият олиб бораётган корхоналар хом-ашё ва бошқа ресурсларга бўлган талабининг маълум бир қисмини импорт орқали қондиришади. Сиёсий ва иқтисодий вазиятлар туфайли айрим давлатларга нисбатан халқаро санкцияларнинг қўлланилиши ресурсларга бўлган талабни импорт орқали қондириш имкониятларини чеклайди. Айнан шу туфайли, хом-ашё ва бошқа ресурсларларга бўлган талабни миллий ишлаб чиқариш қувватлари орқали таъминлаш зарурияти ҳам корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг максимал даражасини аниқлаш лозимлигини белгилаб беради.

Хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини 2 хил усулда ҳисоблашни таклиф қилишимиз мумкин:

1. Корхонада машина ва жиҳозларнинг техник параметрлари бўйича.
2. Корхонада машина ва жиҳозларнинг техник параметрларини аниқлаш имконияти йўқ бўлса, ишчиларнинг энг юқори меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи бўйича.

Биринчи усулда корхонада ишлаб чиқаришнинг барча жараёнида иштирок этадиган машина ва жиҳозларнинг техник параметрларидан келиб чиқиб, бир соатлик маҳсулотни ўтказиш имконияти аниқланади ҳамда бир-бирига мувофиқлаштирилади. Аниқланган кўрсаткич корхонанинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимидан келиб чиқиб, йил бўйича жами ишланадиган соатларга кўпайтириш орқали аниқланади.

Иккинчи усулда хўжалик юритувчи субъектларда машина ва жиҳозларнинг техник параметрларини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ишчиларнинг бир соатлик меҳнат унумдорлиги аниқланади. Ушбу кўрсаткични йил бўйича жами ишланадиган иш соатларига кўпайтириш орқали аниқланади.

Хулоса

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таклиф этилаётган кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни

операцион фаолият таҳлилида қўллаш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлили бўйича қўшимча ахборотларга эга бўлиш, ахборотлар сифатини ва тезлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари мазкур кўрсаткичларнинг ўзаро нисбатлари орқали самарали бошқарув қарорлари қабул қилишга хизмат қилувчи ахборотларга эга бўлиш мумкин.

Санаб ўтилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзаро нисбатлари ва уларнинг мазмуни билан 3-жадвал орқали танишиб чиқишимиз мумкин.

3-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми шакллари ўзаро нисбатлари ва уларнинг мазмуни

T/P	Кўрсаткичлар	Мазмуни
1.	Минимал ҳажмнинг оптимал ҳажмга нисбати $\frac{V_{min.}}{V_{opt.}}$	Бу нисбат орқали таҳлил қилинаётган даврлар ичида харажатларни қоплаш давомийлиги, ёки аксинча, фойда олиш давомийлигини билишимиз мумкин. Таҳлил давомида харажатларни қоплаш давомийлигининг қисқариши ва фойда олиш давомийлигини ошириши ижобий баҳоланади.
2.	Оптимал ҳажмнинг максимал ҳажмга нисбати $\frac{V_{opt.}}{V_{max.}}$	Бу нисбат орқали таҳлил қилинаётган даврлар ичида корxonанинг ишлаб чиқариш потенциали ва ўз қувватларидан фойдаланиш ҳолати ўрганилади.
3.	Минимал ҳажмнинг максимал ҳажмга нисбати $\frac{V_{min.}}{V_{max.}}$	Бу нисбат орқали корxonалар максимал маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга эришса таҳлил қилинаётган даврлар ичида харажатларни қоплаш давомийлиги, ёки аксинча, фойда олиш давомийлигини аниқлаш имконияти яратилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, иқтисодий субъектларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг таклиф этилаётган ўзаро нисбатлари бўйича таҳлил ишларини ташкил этиш, корxonаларнинг мавжуд салоҳиятидан қанчалик самарали

фойдаланилаётганлик даражаси ва уларнинг динамикасини ўрганишда, маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятларини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. *World Scientific Research Journal*, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
2. Қличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики*, 1(01), 170 – 173, <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173>
3. Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>
4. Қличев, Б. П. (2022). Ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373>
5. Тулаев, М. С., & Қличев, Б. П. (2022). Вопросы совершенствование учета корпоративных облигации: обязательство или капитал. In *Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции* (pp. 146-154).
6. Қличев, Б. П. (2022). КРІ тизими асосида моддий рағбатлантириш масалалари таҳлили. *Архив научных исследований*, 2(1). <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1761>
7. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719–1728. Retrieved from <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/3641>
8. Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) <https://ifmr.uz/journals/18>
9. Қличев Б.П. (2014). Бошқарув ҳисобида баҳо шакллантиришни такомиллаштириш масалалари. Тошкент молия институти. “Молия” илмий журнали. 2014 йил 5-сон, 10-15 бетлар. ISSN: 2010-9601
10. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). *Moliyaviy hisob. (Darslik)*. ISBN 978-9943-8915-9-3, УО*К: 657(075.8)
11. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The issues of business activity organization in Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI)*. Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587- 4593.- <https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494>
12. Pardayevich, K. B., & Salamovich, T. M. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 584-591. <https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8>